

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ (ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)



Шеров А.Б. – Маъмун университети
кафедра мудири, PhD, профессор

Аннотация. Сўнги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди, хусусан нодавлат таълим муассасалари фаолиятига кенг имкониятлар яратилди, битирувчиларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси ошди, олий таълим муассасаларига киришда давлат гранти квоталари оширилди ва шу каби бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Мазкур мақолада Ўзбекистонда таълим тизими, хусусан олий таълим тизими давлат томонидан қаратилаётган эътибор, уни давлат томонидан молиялаштиришнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

Калит сўзлар. таълим, олий таълим, давлат бюджети, бюджетдан ташқари маблағлар, молиялаштириш, ЯИМ, ижтимоий соҳа, таълим харажатлари

Аннотация. За последние годы в развитии системы образования в нашей стране произошёл ряд положительных изменений, в частности, созданы широкие возможности для деятельности негосударственных образовательных учреждений, повысился уровень охвата выпускников высшим образованием. увеличился, были увеличены квоты государственных грантов на поступление в вузы и внесён ряд аналогичных изменений. В данной статье представлены основные показатели внимания государства к системе образования в Узбекистане, особенно системе высшего образования, и её государственное финансирование.

Ключевые слова. образование, высшее образование, государственный бюджет, внебюджетные фонды, финансирование, ВВП, социальная сфера, расходы на образование

Annotation. In recent years, a number of positive changes have occurred in the development of the education system in our country, in particular, broad opportunities have been created for the activities of non-governmental educational institutions, the level of coverage of graduates by higher education has increased. increased, quotas for state grants for admission to universities have been increased, and a number of similar changes have been made. This article presents the main indicators of the state's attention to the education system in Uzbekistan, especially the higher education system, and its state financing.

Keywords: education, higher education, state budget, extra-budgetary funds, financing, GDP, social sphere, education expenditures

Бутун дунёда содир бўлаётган глобаллашувнинг ҳозирги ривожланиш босқичида барча ривожланган мамлакатлар янги билимларга асосланган иқтисодиётга ўтишни ўз олдига аниқ мақсад қилиб белгилаб олганлар. Янги иқтисодиёт шароитида бойликни яратишда молиявий капиталнинг ҳукмронлик ролини йўқотиш асосий тамойил бўлиб ҳисобланади. Бундай иқтисодиёт шароитида асосий ҳал қилувчи ролни интеллектуал ва ижтимоий капитал эгаллайди. Аҳолининг интеллектуал даражасини ошириш учун асосан инсон капиталини ташкил этадиган таълимга қўйиладиган талабларни ўзгартириш зарур. Янги шароитда замонавий, инновацион билимларга асосланган янги таълим турлари талаб қилинади. Таълим тизимининг барча босқичларида биринчи навбатда ўқувчи-талабаларнинг ижодий ёндошишга ўргатиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам замонавий таълим асосан учта элементни ўз ичига олади: ижодий фикрлайдиган шахсни шакллантириш, таълим ва тарбия. Шундай шароитдагина мутахассисларнинг янги авлоди ҳисобланган интеллектуал ходимлар, яъни янги ғояларни ярата оладиган(новаторлар) ва яратишни истайдиган ақлий ишчилар давлат бошқарувида тобора муҳим роль ўйнайди. Улар нафақат ижрочилар, балки ижодкорлардир.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда таълим устуворлигини эътироф этган ҳолда, унинг сифати ва эркинлигини таъминлаш, ушбу соҳада давлат бошқарувининг самарали ва оқилона тизимини яратиш бўйича кенг доирадаги чора-тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Сўнги беш йилда таълим соҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 100 яқин фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 220 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Ҳар қандай ислохотларни самарали амалга ошириш албатта маълум миқдордаги молиявий ресурсларга ҳам боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳар йили давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий харажатлар, хусусан, таълим харажатлари учун ажратилади ва шунинг натижасида таълим соҳаси бир қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, “сўнги беш йилликда нуфузли хорижий олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда 67 та янги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ташкил этилди. 2022 йилнинг 9 ойлигида олий ва ўрта махсус таълими тизимига 2,7 трлн. сўмлик бюджет маблағлари ажратилиб, шундан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг жорий харажатлари учун 2,5 трлн.сўмлик маблағ ажратилди ва қўйидаги натижаларга эришилди: битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 38%га етказилди; олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 39 фоизни ташкил этди; 33 та нодавлат олий ўқув юртлири ташкил этилди”¹.

Давлат-хусусий шериклик ҳамда давлат олий таълим муассасалари буюртмаси бўйича талабалар турар жойини барпо этиш дастури доирасида 43,2 млрд.сўмлик маблағлар ўзлаштирилиб, талабалар турар жойи сифими 92351 ўринга етказилди ва талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражаси (эҳтиёжга нисбатан) 43,7 фоизни ташкил этди. Қолаверса, 2022 йилда

¹ www.edu.uz – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги расмий сайти

30 956 ўринли 60 та (шундан ДХШ асосида 20 866 ўринли 39 та) талабалар турар жойлари барпо этилди.

Мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бевосита мазкур соҳани молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳам ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар молия йилида жами бюджет харажатларининг деярли ярмини айнан ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлашга ажратиб келинмоқда. Ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибида энг катта улушни эса таълим харажатлари ташкил этади (1-жадвал).

Қуйидаги 1-жадвал маълумотларидан шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан жами бюджет харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини қўллаб-қувватлаш харажатларининг улуши 8,7 фоизга камайган. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида 2020 йилдан бутун дунёга ўзининг салбий таъсирини кўрсатган эпидемиологик вазият ҳисобланади. Ушбу даврда давлат бюджетига тушумлар камайиши билан бир қаторда, асосий маблағлар мамлакатдаги эпидемиологик ҳолатни юмшатиш, аҳолини саломатлигини асрашга сарфланди. 2019-2024 йилларда ижтимоий соҳа харажатлари давлат бюджети харажатлари таркибида ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2024 йилда 2019 йилга қараганда ушбу соҳага деярли 2,7 баробар кўп маблағ йўналтирилган ёки 2024 йилда ижтимоий соҳа харажатларининг жами харажатлардаги улуши 2020 йилга қараганда 3,3 фоизга ошди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа харажатлари (млрд. сўм)²


№	Кўрсаткичлар	2019	2020	2021	2022	2023	2024
1	Давлат бюджетининг жами харажатлари	118009	144142,7	188257,1	214799,6	257734	312921
1.1	Ижтимоий харажатлар	63542,4	65048,5	92013,6	105199,5	129891	151504
	жами бюджет харажатлари таркибидаги улуши, фоизда	53,8	45,1	48,9	49,0	50,4	48,4
1.1.1	Таълим харажатлари	33536,1	29961,1	39640,8	46713,8	58372	69076
	жами ижтимоий соҳа харажатлари таркибидаги улуши, фоизда	52,8	46,1	43,1	44,4	44,9	45,6

² www.imv.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти ҳамда www.openbudget.uz - Ўзбекистон Республикаси "Очиқ бюджет" портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

жами бюджет харажатлари таркибидаги улуши, фоизда	28,4	20,8	21,1	21,7	22,6	22,1
---	------	------	------	------	------	------

Ижтимоий харажатлар таркибида энг катта улушга эга харажатлар таълим харажатлари ҳисобланиб, мазкур соҳага жами ижтимоий харажатларнинг ўртача 46 фоизи, жами бюджет харажатларининг ўртача 23 фоизи тўғри келади. Юқоридаги жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, таълим харажатлари 2024 йилда 2019 йилга қараганда 2,1 баробарга ўсганлигини, бироқ жами бюджет харажатлари таркибидаги улуши 6,3 фоизга, ижтимоий харажатлар таркибидаги улуши эса 7,2 фоизга камайганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунинг сабаблари сифатида сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат таълим муассасалари билан биргаликда, нодавлат ва давлат-хусусий шериклик асосидаги таълим муассасалари фаолияти ҳам қўллаб-қувватланаётганлигини, шу билан бирга мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимидаги ўзгаришлар, яъни академик лицейлар ва касб-хунар коллежлар сонининг қисқариши, шу билан бирга давлат бюджети бошқа соҳа ва тармоқлар учун ажратадиган харажатларининг ҳажми ошганлигини кўрсатиш мумкин.

Таълим харажатлари таркибида ҳажм жиҳатдан энг катта улушни умумтаълим муассасаларини молиялаштириш учун сарфланган харажатлар ташкил этса, кейинги ўринларда мос равишда мактабгача таълим ва олий таълим харажатлари туради. Қуйидаги расмда давлат бюджетидан олий таълимни молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг ўзгариш динамикасини кўришимиз мумкин (1-расм).




1-расм. Давлат бюджетидан олий таълимни молиялаштириш харажатлари, млрд. сўм³

Юқоридаги расм маълумотларидан шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки, давлат бюджетидан олий таълим муассасаларига 2019-2022 йилларда ажратилаётган маблағлар ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиб, йилдан йилга ошиб бормоқда.

³ www.imv.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти ҳамда www.openbudget.uz - Ўзбекистон Республикаси "Очиқ бюджет" портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Хусусан, 2019 йилда давлат бюджетидан олий таълимни молиялаштиришга 1593 млрд. сўм ажратилган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 7471,3 млрд. сўмни ташкил этган, яъни 2022 йилда 2019 йилга қараганда 4,7 баробар кўп маблағ ажратилган. Олий таълим харажатларининг жами таълим харажатлари таркибидаги улуши ҳам мос равишда 2019 йилдаги 4,8 фоиздан 2022 йилда 16 фоизга ошганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида 2022 йилда давлат ва давлат хусусий-шериклик асосидаги олий таълим муассасаларининг очилганлиги, янги талабалар турар жойларининг қурилганлиги ва капитал таъмирланганлиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. 2023 йилга келиб олий таълим тизимига бюджетдан ажратилган маблағлар ҳажми 2022 йилга нисбатан 1,5 баробарга камайган, ёки таълим харажатлари таркибидаги улуши мос равишда 2 баробарга камайиб, 8 фоизни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби сифатида 2023 йилдан бошлаб ўз ўзини молиялаштириш тизимига ўтган олий таълим муассасалари сонининг ортишини келтириш мумкин. Ушбу олий таълим муассасалари 2020 йилги 10 тадан ҳозирги кунда 41 тага етди, яъни 4 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. 2024 йилга келиб эса 6047,1 млрд сўм ёки олдинги йилга қараганда 1,2 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Қуйидаги 2-расмда мамлакат Давлат бюджети таркибида таълим, хусусан олий таълим харажатларининг улушини кўришимиз мумкин.



2-расм. Давлат бюджети таркибида таълим харажатларининг улуши, фоизда⁴

⁴ Образование в цифрах: 2022 : краткий статистический сборник / Л. М. Гохберг, Л. Б. Кузьмичева, О. К. Озерова и др.; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М. : НИУ ВШЭ, 2022. – 132 с. – 200 экз. – ISBN 978-5-7598-2694-1 (в обл.).

2-расмдаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида таълим тизими ривожланган дунёнинг етакчи мамлакатларида давлат бюджети харажатлари таркибида таълим соҳасига ажратилаётган харажатларнинг улуши 7,8 фоиз (Япония)дан 15,3 фоиз(Швеция)гачани ташкил этса, мамлакатимизда бу кўрсаткич ўртача 20,8 фоизни ташкил этиб, бу ривожланган мамлакатларникига қараганда 2 баробар кўп эканлигини кўрсатади.

Бироқ олий таълим муассасалари харажатларининг улуши бошқа давлатлар билан солиштирганда, жумладан Швеция, Буюк Британи, АҚШ олий таълим харажатлари улушидан 2 баробар, Германия, Канада. Жанубий Корея мамлакатлариникида ўртача 1,5 баробарга камлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга Франция, Япония, Италия ва Россия мамлакатларининг олий таълим харажатлари билан деярли тенг эканлигини кўришимиз мумкин.

Қуйидаги расмда олий таълим харажатларини мамлакат ЯИМ таркибидаги улушини кўришимиз мумкин (3-расм).



3-расм. ЯИМ таркибида таълим харажатлари улуши, фоизда⁵


Ушбу расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, Ўзбекистонда дунёнинг таълим тизими ривожланган мамлакатлари ҳисобланган АҚШ, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Канада мамлакатларга қараганда ЯИМ таркибида таълим харажатларининг улуши бўйича юқори ҳисобланса-да, бироқ олий таълим

⁵ Образование в цифрах: 2019: краткий статистический сборник / Н.В.Бондаренко, Л.М.Гохберг, Н. В. Ковалева и др.; Нац. исслед. ун-т “Высшая школа экономики”.– М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

харажатларининг ЯИМ таркибидаги улуши бўйича юқорида таҳлил энг сўнги ўринда турибди. ЯИМ таркибида олий таълим харажатларининг улуши бўйича етакчи давлатлар қаторида мос равишда Франция, АҚШ, Канада мамлакатлари ўрин олган.

Олий таълим тизимини молиялаштиришда давлат инвестицияларининг ўрни ҳам юқори ҳисобланиб, қуйидаги расмда 2017-2021 йилларда олий таълим тизимига йўналтирилган давлат инвестиция маблағлари ва уларни ўзгариш динамикаси келтирилган (4-расм).

Ушбу расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, олий таълим муассасаларига давлат инвестицияларининг миқдори 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилда олдинги йилга қараганда 21,6 фоизга, 2019 йилда эса олдинги йилга нисбатан 89 фоизга кўпроқ маблағ айнан олий таълим муассасаларини молиялаштиришиш учун давлат инвестиция дастурига киритилган.




4 -расм. Олий таълим тизимига йўналтирилган давлат инвестициялари, млрд сўм⁶

2020 йилда юқорида таъкидлаганимиздек, пандемия ҳисобига олдинги йилга нисбатан 26,3 фоизга камайиш юзага келган. 2021 йилда эса пандемия асоратлари босқичма-босқич бартараф этилиши натижасида яна ўсиш кузатилиб, олдинги йилга нисбатан 1,8 баробарга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

2021-2024 йилларда олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш давом эттирилиб, улар фаолиятини бюджет томонидан молиялаштириш ҳажми ошганлигини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.

⁶ www.imv.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



5-расм. Олий таълим муассасаларини молиялаштириш учун бюджетдан ажратилган маблағлар⁷

Куйидаги расмдан кўришимиз мумкинки, 2022 йилда олдинги йилга қараганда 57,1 фоиз кўпроқ маблағ ажратилган, олий таълим муассасалари сони эса 7 тага ёки 11 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, олий таълим муассасаларининг жами даромадлари таркибида бюджет маблағларининг улушини таҳлил этадиган бўлсак, 2021 йилда 20,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 25 фоизни, 2023 йилда 26,3 фоизни ва 2024 йилнинг биринчи ярим йиллигида эса 27,1 фоизни ташкил этганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Давлат томонидан олий таълим муассасаларини молиялаштириш ҳажмининг ошишини ижобий ҳолат деб баҳолашимиз мумкин, шу билан бирга олий таълим муассасалари илм даргоҳи эканлигини, уларнинг салоҳияти, имкониятлари юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, молиялаштиришда бюджетдан ташқари маблағларнинг ҳам ортиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Bakberganovich, S. A. (2021). Ways to Increase the Efficiency of Financing Higher Education Institutions. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 1(7), 49-56.
2. Moses Oladele Ogunniran, Yinka Sabuur Hammed, Ajara Mahmoud Higher education finance and success rate in US states: An insight from state-level data. *Heliyon* 10 (2024) e 33514
3. Sherov, A. B., & Ruzmetova, G. N. A. (2022). O'zbekistonda oliy ta'lim tizimi borasida amalga oshirilayotgan islohotlar va uni moliyalashtirishning dolzarb masalalari. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 264-270.
4. Alper Goksu, Gonca Gungor Goksu. A Comparative Analysis of Higher Education Financing in Different Countries. *Procedia Economics and Finance* 26 (2015) 1152 – 1158
5. Sherov, A. B. (2022). Current issues of financing higher education institutions in the condition of an innovative economy. *Gospodarka i Innowacje.*, 21, 127-130.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

6. Maria Lung (Moladovan), Ioan Moldovan, Nistor Lung Alexandra Financing Higher Education in Europe: Issues and Challenges. *Procedia - Social and Behavioral Sciences* Volume 51, 2012, Pages 938-942
7. Sherov, A. (2018). Legal basis and importance of state financing of education system. *International Finance and Accounting*, 2018(2), 28.
8. Saumen Chattopadhyay. Exploring Alternative Sources of Financing Higher Education. *Economic and Political Weekly*. Vol. 42, No. 42 (Oct. 20 - 26, 2007), pp. 4251-4259
9. Sherov, A. (2015). Foreign experience in financing of higher educational system. *Scientific enquiry in the contemporary world: theoretical basics and innovative approach [L 26]*, 1, 92-95.
10. www.imv.uz
11. www.edu.uz
12. www.stat.uz
13. www.openbudget.uz

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

